

Одамийлик мулки

05:00 / 07.03.2017 4419

«Лекин, очигини айтганда, бундай хислатларнинг баҳоси ошиб кетди. Жуда оз кишилар бундай феъл-атворларга эгадирлар. Дўсту улфат, ошна-оғайнилар орасида бир-бирига лаганбардорлик қилмайдиганлар, бирининг айб ва қусурларини наридан бери ёймайдиганлар, ҳасад қилмайдиганлар жуда озайиб кетди. Дўст-улфат, ошна-оғайнилар ичида, ҳеч шак-шубҳасиз, ҳасадгўйлар, ғаразгўйлик билан иш юритиб, айб ва қусур бўлмаган бир ҳаракатингни айб ва қусур деб гап тарқатувчилар ёхуд табиий лаганбардорлиги туфайли қусур ва айбларингни юзингга айтмайдиганлар бор. Мана шундай сабабларга кўра Довуд Тойий инсонлардан ажрашиб кетган эди. Ўзидан: «Нега инсонлар билан ош-қатиқ бўлмайсан?» деб сўралганида шундай жавоб берганди:

-Менга айб ва қусурларимни айтмайдиган инсонлар билан яқин юриб нима қиламан? Диндор кишилар учун энг севимли нарса - бошқаларнинг танбеҳи билан ўз қусур ва айбларидан воқиф бўлмоқдир.

Мана, буюқларимизнинг ҳоли!.. Афсуски, бизнинг замонамизда иш терсига қараб кетди. Аҳвол шу даражага етдики, энди бизларга насиҳат қиладиган, айб ва қусурларимизни айтадиган кишиларни энг ёмон инсонлар ўрнида кўрадиган бўлиб қолдик. Бу - иймонимиз заифлашганининг аломатидир. Чунки ёмон феъл-атворлар - чақонғич илонлар ва чаёнлардир.

Агар либосимиз этагига бир чаён ёпишиб, чақай деб турганда бизга биров бундан хабар берса, албатта унга миннатдор сўзларимизни айтамыз, севинамиз ва чаённи чертиб ташлаб, ўлдиришга чоғланамиз. Ҳолбуки, бу чаённинг зарари бадангадир, берадиган азоби эса бир кун, ярим кун давом этади. Ёмон ахлоқнинг қалб софлигига берадиган зарари эса қўрқинчлироқдир, ўлимдан кейин эса абадиян ва ё мингларча йил давом этадиган қўрқуликдир. Шунини биламизми? Билсак, нечун биров бизга қусур ва айбларимизни айтса, бундан севинмаймиз, бу қусур ва айбларни йўқотиш билан машғул бўлмаймиз. Аксинча, биз ҳам у кимсага насиҳат қилишга киришамиз ва шундай деймиз:

-Ўзинг ҳам шундай-шундай қиласан. Ўзингнинг ҳам шундай қусурларинг бор!

Унинг насиҳатини шу тариқа қабул этамыз ва тескарисини қилиб, орада душманчилик туғилишига сабабчи бўламиз. Бу ҳол - гуноҳлар кўплиги

сабаб бўлган қалб қашшоқлигидандир. Буларнинг асли эса иймоннинг заифлигидандир...»

Мазкур сатрларни ўқиб «Тўғри гаплар...» дегандирсиз? Ҳа, баракалла! Лекин нима учун қўштирноқ орасида баён қилдик, шунга аҳамият бердингизми?